



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (13.435)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар.

Ўзбекистон Президенти ўз қутловида ўтган чорак аср мобайнида икки томонлама алоқаларимиз дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида кенгайиб борганини мамнуният билан таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари "биргаликдаги амалий ҳаракатларимиз ва ўзаро қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорлигимиз янада чуқурлашиб, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги дўстлик кўприги тобора мустаҳкамланиб бора-веради", деб ишонч билдирган.

Президент Мамнун Хусайн Покистон ҳукумати ва халқи номидан ушбу сана муносабати билан самимий тилаклар билдириб, "мамлакатларимизни яқин тарихий, диний ва маданий ришталар боғлаб туриши"ни таъкидлаган.

Қутловда Покистон Ўзбекистон билан турли соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга тайёр экани қайд этилган.

ЎЗА

ХИТОЙ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Хитойнинг етакчи "Синьхуа" ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг учрашуви ҳақида батафсил ахборот тарқатди. Журналистлар ушбу учрашув натижалари Ўзбекистон ва Хитой халқларининг туб манфаатлари ва замон талабларига мослигидан, узоқ муддатли ҳамкорликка содиқлигидан далолат эканини таъкидлаган. CGTN телеканали олий даражадаги мулоқотлар изчиллиги ўзаро муносабатларнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаши баробарида барча даражадаги алоқалар жадаллашувида хизмат қилаётганига эътибор қаратган. Ахборотда икки давлатнинг узоқ ўтмишига бориб тақаладиган алоқалари бугунги кунда ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилган.

"China daily" газетасида "Ўзбекистон билан алоқалар ўз самарасини бермоқда" сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда Ўзбекистон ва Хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилгани, бир-бирининг маданиятини бойитгани қайд этилган. Бугунги кунда давлатлараро муносабатлар стратегик шериклик да-

ражасига кўтарилган, ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Мақолада давлатларимиз ўртасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётгани, хусусан, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели қурилиши кўп қиррали ҳамкорлиқнинг яққол мисоли сифатида таъкидланган. Муаллиф ушбу стратегик объектлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа, жумладан, Хитой учун ҳам гоят аҳамиятли эканини қайд этган.

"Синьцзин бао" газетасида Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги муносабатлар турли йўналишларда муваффақият билан ривожланиб бораётгани таъкидланган. Газета Ўзбекистоннинг сармоявий ҳамкорлари рўйхатида Хитой етакчи ўринлардан бирини эгаллаши ва Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган ХХР капиталининг ҳажми барқарор равишда ўсиб бораётгани ҳақида маълумотлар келтирган.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири



"Ташаббус – 2017"

ИМКОНияТ, ТАШАББУС ВА ТАРАҚҚИЁТ

"Туркистон" саройи ёнида ўрнатилган оппоқ ўтов кўпчилиқнинг эътиборини тортди десак, муболага бўлмайди. Унинг ичида бир оиланинг ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар муҳайё.

– Чимбой туманида ўтов ясади-ган учинчи авлод вақилиман, – дейди ЎЗА мухбирига "Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси, хунарманд Азамат Турекеев. – Кигиз уйнинг суяги бир-бирига чевар ва хунармандлар тиккан чиройли нақшлар ҳамда "бау басқурлар", "тангиш" дея аталувчи боғлар орқали бириктирилади. Унинг атрафи қора тол, тепаси эса ок тол ёғочидан бўлиб, битта ўтов қуриш учун қарийб икки ой вақт сарфланади. Уйнинг ташқи жиҳозлари қуёш нурини, ёмғир сувини ўтказмай, иссиқликни бир мезгилда саклайди.

Бугун пойтахтимизда бошланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилаётган "Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг мамлакат босқичида бу каби кўплаб қизиқарли экспонатларни кўриш мумкин. Сарой фойсидида турли-туман ишланмалар, маҳсулотлар, миллий либослар, пишиқлар намойиш этилмоқда.

Қатор вазирилик ва идоралар ҳамкорлиги ва молиявий қўллаб-қувватлаш билан Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси иштирокчида ташкил этилган кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 14 тадбиркор, 14 хунарманд ва 13 фермер иштирок этмоқда. Уларга "Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг ташкилий қўмитаси номзод дипломи, иштирокчи кўрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" номли китоби ва совғалар топшириди.

Бу йилги танлов иштирокчилар орасида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, иқтисодиётнинг турли йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлар ва хунармандлар кўпчилигини ташкил этади. Фермерлик йўналиши ютуқларини эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қўқур қайта ишлашга иқтисодлашган кўп тармоқли хўжаликлар тақдим этмоқда.

Навоий вилоятидаги "Азим ота" фермер хўжалиги биринчи чоракда

Ҳиндистонга 60 тонна мош экспорт қилди. Йил охирига қадар яна 180 тонна мош етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Қорақўл тегириги ва қўй жўнини экспортга чиқариш борасида келишувлар мавжуд. Хўжалик деҳқончилиқ, қорва-чилиқ, асаларчилик билан бир қаторда улгуржи савдо, қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан ҳам шуғулланади.

– Хозир 300 тонналик музлаткич қуриш ишлари давом этмоқда, – дейди хўжалик раҳбари Илхом Самиев. – 5 гектар боғ яратдик. Энди шу боғдаги ва атрофдаги аҳоли то-морқаларида етиштирилган мева-ларни қуришти ва қаддоқлаб экспорт қилиш мақсадида замонавий цех барпо этиш тарафидини кўраётимиз.

Танловнинг мамлакат босқичи номзодлари учта асосий – "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши хунарманд" йўналишида баҳс-лашади. "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг маъсулйатли ижтимоий шерик", "Йилнинг энг яхши озиқ-овқат саноати тадбиркори" каби қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланади. Бу йил Харақатлар стратегиясида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзининг савдо белгилари йўналтириш ва янги бозорларни эгаллашнинг учун", "Республика ички бозорларида талаб бўлган янги турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг учун" номи-нациялари ҳам ташкил этилди.

– Биз замонавий технологиялар асосида ипак курти парваришлаб, пилани қайта ишлаймиз, – дейди "Бухоро бриллиант силк" қўша қорхонаси раҳбари Бахтиёр Жўраев. – Атлас, крепдешин, муслин, креп шифон каби эллик хилдаги матоларимизга хорижда харидорлар кўп. Ўтган йили Покистон, Хитой, Эрон, Вьетнамга қарийб 2 миллион 850 минг долларлик миқдордаги ипак ва ипак маҳсулотларини экспорт қилдик.

Қўразма 17 май кунини аяқунла-ди. 22 май кунини эса "Туркистон" саройида "Ташаббус – 2017" ғолиб ва совриндорларнинг номлари эълон қилиниб, уларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Сайёра ШОЕВА

ТАШРИФ ДАВОМИДА 23 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 100 ДАН ОРТИҚ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи давомида умумий қиймати 23 миллиард доллардан зиёдни ташкил этган 100 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди.

Азим АХМАДХУЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси:

– Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзаро манфаатли алоқаларни барча соҳаларда кўриш мумкин. Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига катта миқдорда инвестиция киритаётган давлатлардан бири. Мамлакатимизда Хитой капитални иштирокчидаги 700 дан зиёд компания ва қорхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш йил сайин ўсиб бормоқда. 2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди.

Яна бир муҳим жиҳати алоҳида таъкидлаш лозим. Одатда мамлакатга инвестиция жалб қилишда иккита муҳим кўрсаткич бўлади: кредитлар ва тўғри-

дан-тўғри сармоялар. Президентимизнинг Хитойга давлат ташрифи давомида Хитойнинг турли банк ва компаниялари билан тўғридан-тўғри сармоя киритиш бўйича йирик келишувларга эришилди.

Пахтани қўқур қайта ишлаш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларида ишлар бошлаб юборилди. Хитойнинг йирик компаниялари Ўзбекистонда дори воситалари ишлаб чиқаришга ҳам қизиқиш билдирди. Келгусида бу йўналишда ҳам янги келишувларга эришамиз.

Хусниддин ХОСИЛОВ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бош менежери – бош муҳандиси:

– Темир йўл транспорт иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг му-

ҳим бўлини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб мавқега эга. Зеро, мамлакатимиз магистраль темир йўл тармоқлари Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳалар қатори транспорт коммуникациялари йўналишидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган юқори техник кўрсаткичлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электровозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорлиқнинг долзарб стратегик йўна-

лишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларига чиқи-лини таъминлайди. Ангрен-Поп электрлаш-тирилган темир йўлининг барпо қилингани бу борадаги ҳамкорлиқнинг ёрқин ифода-сидир. "Ўзбекистон темир йўллари" ак-циддорлик жамияти ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси ҳам-корлигида бунёд этилган Қамчиқ туннели энг қисқа вақтда қуриб битказилган ана шундай лойиҳа сифатида тарихга кирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида давлат таш-рифи давомида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан ХХРнинг етакчи қурувчи компаниялари ўртасида самара-ли келишувларга эришилди. Маъмур таш-риф ўзаро алоқаларни янада мустаҳкам-лашда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2017 йил 16 май кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартиби мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган кўплаб қонун лойиҳаларини қамраб олди.

Парламент қўйи палатасининг мажлиси кун тартиби-га киритилган масалалар аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депу-татлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама қилинган эди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда парламент-нинг қўйи палатасида қонун ижодкорлиги жараёни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри-

вожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва ин-сон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Дав-лат дастурига мувофиқ олиб боришмоқда. Ҳозирги во-қеликларни ҳамда иқтисодиёт одамларнинг юқори да-ражадаги турмушининг асосий шарти сифатида қара-ладиган жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажиба-сини ҳисобга олган ҳолда парламент вакиллари давла-

тимиз раҳбарининг мамлакатимизда ўтказилаётган ис-лохотлар самарасини тубдан оширишга қаратилган та-шаббусларини қонун йўли билан ўз вақтида пухта мус-таҳкамлашга эътибор қаратмоқдалар.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик мақсадларида фойда-ланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жа-даллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада сод-даллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармо-нидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бош-ладилар.

(Давоми 2-бетда)



● Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантиришга бағишланган бизнес-форум ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақал-поғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирли-ги, давлат солиқ бошқармаси, Марказий банк ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қора-қалпоғистон Республикаси бошқармалари

имтиёзли банк кредити олиш имкониятини берувчи махсус сертификатлар билан тақ-дирланди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари орасида тадбир-корлик фаолияти билан шуғулланиш истаги-ни билдирган ёшларга кенг имкониятлар яра-таётган танловнинг вилоят босқичида 95 на-фар истиқболли лойиҳа ва гоя ташаббуско-ри иштирок этди. 10 нафар ёшнинг бизнес режаси маъқулланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўланма берилди.



● Кеча Волгоградда тўрт каватли турар жой биносидида маиший газнинг портлаши натижасида 12 ҳонадонли битта йўлак вай-рон бўлди. Бахтсиз ҳодиса натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, ўнга яқин яшовчи

жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. Ҳозирда бу ерда қидирув-куткарув ишлари давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш ишчиларнинг газ қувурини шикастлашлари оқибатида келиб чиққан. Энди экспертлар ушбу уйнинг яшашга яроқли ёки йўқлиги ҳақида ҳулоса чиқари-шади.

● Кеча Венесуэлада кўп минг кишилик но-розилик намойишини тарқатиш чоғида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

● Гонконгда бўлиб ўтган ким ошди савдо-сида жаҳондаги энг қимматбаҳо ер участка-си сотилди. Яъни, уч миллиард долларга со-тилган ушбу ҳудудда ҳозирда кўп каватли автомобилларни сақлаш майдони жойлаш-ган бўлиб, унинг янги соҳиби тез орада бу ерда осмонўпар бино қуришни режалаштир-моқда.

ТАШРИФ ДАВОМИДА 23 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 100 ДАН ОРТИҚ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)
Илхом ХАЙДАРОВ,
“Ўзбекингилсаноат” АЖ
бошқаруви раиси:

– Жорий йил февраль ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди. Президентимиз Қашқадарё вилоятида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда бунёд этилаётган энгил саноат корхонаси қурилиши билан танишиш жараёнида бу йўналишдаги ўзaro алоқаларни янада ривожлантириш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга давлат ташрифи доирасида ушбу мамлакат энгил саноат ассоциацияси билан муҳим келишувларга эришди. Улар 8 йиллик ва истиқболли битимдан иборат. Мазкур ҳужжатлар доирасида хитойлик ҳамкорлар билан янги технопарк қуриш мўлжалланмоқда. Юқори технологиялар жорий қилинадиган лойиҳалар хомашёни чуқур қайта ишлашдан тортиб тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараёни тўла қамраб олади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг катта қисми экспортга йўналтирилади.

Омон МУСАЕВ, “Ипотека-банк” АТБ бошқаруви раиси:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи доирасида “Ипотека-банк” ва Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида кредит шартномаси имзоланди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараёнда мамлакатимиз банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини сақлаш ва ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар соҳа тараққиётида янги имкониятлар очмоқда.

Тадбиркорларнинг яқин ва ишончли ҳамкорига айланган банк тизими ишбилармонларнинг ишончини тўла қозонишнинг ўзининг асосий мақсади, деб билади. Айни пайтда мамлакатимиз банклари молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида самарали фаолият юритаётгани ва банк тизимини янада ривожлантириш йўлида салмоқли натижаларга эришяётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон банк тизими доимий равишда нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг “Барқарор” рейтинг даражасига сазовор бўлаётгани банкларимиз халқаро мезонларга мос иш олиб бораётганлигини кўрсатган. Банклар барқарорлиги уларнинг миқдорлар талаблари асосида замонавий хизматлар сифати ва қўламини оширишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг Хитойга давлат ташрифи доирасида эришилган келишувлар ўзининг юксак самараларини беради.

**ЎЗА МАХСУС МУБИРИ
А.ЎРОЗОВ ЎЗИБ ОЛДИ**

Инсон борки, яхши ҳаёт кечириш, бунинг учун барча қулайликларни яратиш йўлида бир зум тўхтамайди. Қулайлик ортидан уни такрорламайдиган ва янада яхшироғи яратилаверади. “Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши...” иборасини гоҳ жиддий, гоҳ қулиб такрорлашимизнинг сабаби ҳам шунда бўлса, ажаб эмас.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР – ХОНАДОНЛАР КЎРКИ

Биргина мисол, китобларда ўқиганимизку майли, бобо-бувиларимизнинг ҳикояларида ҳам кўп бор эшитганимиз, одамларнинг похол тўшма, бўйра, кейинчалик кўрпачаларда чордона қуриб ўтиргани, ер ёки полга оддий тўшма тўшаб ухлагани ҳақида.

– Ҳозиргидек ётоқхона, ошхона мебеллари ҳақида билиш у ёқда турсин, тасаввуримиз ҳам бўлмаган, – дейди Сергелида яшовчи ёши тўқсонларга борган Доно момо. – Бугунги ёшлар қулай, юмшоқ, чиройли, бежирим мебелларда овқатланиш, дам олиш ва ухлаш имкониятига эга. Чевараларимга ҳозирда мавжуд бўлган қулайликлар у даврларда бўлмаганини айтсам, қандай яшагансизлар деб ҳайрон бўлишди. Шундай бахтли кунларни кўриб, эртақлардагидек яшаётганимдан қувончим чексиз.

Ҳа, бугун барча соҳаларда бўлгани каби яхши яшаш истагидаги кишилар талабини қондириш учун мебелсоз усталарнинг ҳам қўли қўлига тегмапти. Улар ўз миқдорларини янада рағбатлантириш, кўнглидан жой олиш ва уларни мамнун қилиш учун изланишдан бир зум тўхтамаяпти. Бу эса мебел бозорида рақобатни таъминлаб, ранг-баранг ва албатта сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган ҳаракатни ривожлантиришда. Маълумотларга кўра биргина Тошкент шаҳрида мингга яқин мебел корхонаси фаолият юритмоқда.

– Мебел бозорининг ўзига хос талаблари бор, – дейди “Тошкентмебел” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шўрабег Назаров. – Унга кўра, биз истеъмолчининг хоҳиш-истаги, диди нечоғли эканини ҳис қила олишимиз ва бозордаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришимиз керак. Негаки, бу йўналишда ҳар хил янгиликлар билан истеъмолчиларни ром этишни мўлжаллаганлар кўп. Харидор эса хамиша энг яхшисига талпини. Аслида ҳам бундай маҳсулотларга аҳоли талабининг кун сайин ортиб бораётгани халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошаётганидан далолатдир.

Айни пайтда саксон нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада 100 турдаги ётоқхона, меҳмонхона, болалар хоналари, офис ва таълим масканлари учун мебеллар тайёрланмоқда. Бир-биридан чиройли, бир-биридан бежирим, ўзига хос услубда яратилган жиҳозлар энг наздик дидли харидорга ҳам манзур бўлиши, шубҳасиз. Зеро, агарда Италия мебеллари дунёда энг сара деб ҳисобланса, бу корхонада у билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар наздик дид ва юксак маҳорат билан тайёрланмоқда. Бунда эса корхонанинг энг замонавий, жаҳон андозларига жавоб берадиган ускуна ва технологиялар билан жиҳозлангани кўл келмоқда.

– Жамоамиз юксак технологиялар кўмағида чинор ва ёнғоқ ёғочидан қўл меҳнатига асосланган санъат асари яратмоқда, – дейди корхона раҳбари Т.Назаров. – Мисол учун, “Милан” номли меҳмонхона жиҳозларини тайёрлаш учун ўн икки нафар уста 15 кун тинимсиз ишлайди. Бу-



нинг учун сабр ва қўл керак. Аслида ўзим фаолиятимни дурдоргга шогирдликдан бошлаб, мебел тайёрлашнинг барча сир-асрорларини билганим учун хорижда харидор-боп ҳисобланган мебел жиҳозларини ўзимизнинг шароитда янада қулайроқ, чиройлироқ ва арзонроқ чиқаришни мўлжаллайман. Халқимиз жуда тежамкор, узокни ўйлайдиган эл. Битта жиҳоздан ҳар хил ҳолатда ва узок йиллар фойдаланишни истади. Биз эса харидорларнинг диди, хоҳиши ва албатта чўнтаги билан ҳисоблашиб иш қўришимиз керак...

Корхонада тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида маҳсулотлар сифатини ошириш ва дизайнни янада такомиллаштириш билан бирга, харидор учун мақбул нархни тақлиф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда соҳа учун керакли хомашёни четдан олиб киргани учун мебел корхоналарининг божхона тўловларидан озод қилингани қўл келмоқда. Айни вақтда экспортга эътибор қаратилиб, Қозғистонга маҳсулот етказиб бериш бора-сида келишувлар имзоланди.

Корхонага ҳар йили бир нечта касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга олинади.

– Яқинда Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежини битираман, – дейди Махмуд Файзуллоев. – Ҳар йили шу корхонада амалиёт ўтаб, усталардан маҳорат сирларини ўрганиб келмоқдаман. Ўқиниб битирсам, ишим тайин. Мен билан ўн томонлама меҳнат шартномаси имзоланди. Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларга менинг ҳам кўпроқ ҳиссам бўлишидан хурсандман.

Халқимизнинг ҳаёт сифатини тобора юксалтириб борагани сайин, кенг турдаги юқори сифатли, бежирим ва кўркам маҳсулотлар хонадонларимизга қулайлик, шинамлик ва гўзаллик бахш этмоқда. Мухими, маҳаллий маҳсулотлар хариди билан юртимизда янги-янги иш ўринлари яратилаётди, ишлаб чиқариш ҳажми ва қўламини ошиб бормоқда.

Зиёда ВОХИДОВА

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Миробод туман ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари, “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир “Катта ҳаётда ўз ўрнини топиб, Ватанимга хизмат қиламан” деб номланди.

Миробод туман ҳокимлигида мuddатли ҳарбий хизматдан қайтган, олий ўқув юртлири ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини битираётган ёшларни ишга ва ўқишга жойлаштириш, уларни тўғри йўналтириш орқали ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш мақсадида, икки кун давомида бир гуруҳ ёшларнинг туман ҳокимлиги, солиқ, ички ишлар, суд, прокуратура ходимлари билан учрашуви ташкил этилди.

Тадбир Миробод туман ёшларининг Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан очилган “Мустақиллик экспозицияси”га ташрифи билан бошланди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар акс этган экспозиция ёшларда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг улар Мустақиллик майдонидаги “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гул қўйиб, ўтганларни ёдга олишди.

– Келажаги порлоқ ёшларимизнинг бахтли ҳаёти ва истиқболли йўлида қилинаётган ҳар қандай эзгу мақсад бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, – дейди Миробод туман ҳокимининг ўринбосари Алишер Мусаев. – Ушбу тадбирда олий ўқув юртлири, касб-ҳунар таълими муассасаларини битираётган ёшлар ва ҳарбий хизматдан қайтган йигитларимизни яратилган шарт-шароитлар, тегишли қарорлар ҳамда берилаётган имтиёزلардан хабардор қилиб, уларнинг тумандаги бўш иш ўринлари ярмаркасидаги иштирокларини таъминлаш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

– Менинг сўнгги вилотининг Денов туманида мuddатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб қайтдим, – дейди Суннатилло Хайитбоев. – Келажақда ўқиб, изланиб, Ватанимга сидқидилдан хизмат қиламан.

Суннатилло Хайитбоев намунали ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришгани, тест синовларидан муваффақиятли ўтгани сабаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсиясини қўлга киритиб, 50 фоизлик имтиёзга эга бўлган ва Тошкент архитектура-қурилиш институтида таълим олишни режалаштириб қўйган.

Тадбирда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик гоъяларини ҳаётга табиқ этиш, банклардан имтиёзли кредит олиш тартиби ва бошқа жабҳаларда фаолият олиб боришлари учун кўмак бериш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

рурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса:

– ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.

Суд буйруғи институтининг ўзига ҳақамияти шундаки, бу жараёнда судда иш қўзғатилмайди, судья маслаҳатхонага кирмайди, гувоҳлар сўроқ қилинмайди, ишда иштирок этувчи шахслар қатнашмайди. Шунингдек, суд буйруғини чиқаришнинг ўзига ҳок тартиби ҳам бор. Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза бўйича қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади. Арз қилинган талабнинг мазмун буйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида судья томонидан чиқарилади. Ҳок қўрилган мuddат берилишининг боиси шундаки, арз қилинган талабда низо бўлмаслиги, ариза тегишли далиллар билан асосланганлигини унинг белгиланган мuddатда ҳал қилиш учун барча асослар мавжудлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, фуқаролик ишлари бўйича судларда суд буйруқлари асосида иш қўриш фуқароларнинг вақтини тежашга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда суд буйруғи институти инсонпарварлик тамойилига асосланган қонунчилигимизнинг амалдаги ифодаси бўлиб, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминламоқда.

Дурдонахон АБДУКАХХОРОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яққасарой туманлараро
судининг судьяси

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекс-си, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар давлат мулки объектларини реализация қилиш жараёни тартибтаомилларини янада соддалаштириш ва жадаллаштиришга қаратилган моддалар билан тўлдирилди. Шу тариқа амалдаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши хусусий мулк этиб реализация қилинган объектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизматларни йўлга қўйишни ташкил этиш ҳисобида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш имконини беради.

Шунингдек, депутатлар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида, Бюджет кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини ҳам иккинчи ўқишда қўриб чиқдилар. Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган. Чунончи, ўта оғир ҳолатлар рўйхати белгиланиб, ўзини ўзи ўлдир-ишгача етказганлик учун жиноий жавобгар-лик кучайтирилмоқда. Бундан ташқари, Жиноят кодексига ўзини ўзи ўлдир-ишга, шу жумладан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, бутунжаҳон интернет ахборот тармо-гидан фойдаланган ҳолда ўзини ўзи ўлдир-иш-га ундаш учун жавобгарлигини белгилловчи 1031-модда киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексига, Бюджет ко-дексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ба-ённома тузиш, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорини камайти-риш ваколатига эга бўлган шахсларнинг аниқ рўйхати белгиланади, маҳаллий бюджетлар-нинг республика бюджетига қарамлиги қис-қаради.

Шундан сўнг депутатлар суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либерал-лаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходим-ларининг мансаб даражалари тўғрисидаги ни-зомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқдилар. Шунини эслатиб ўтиш кераки, тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий ке-наши ҳузуридаги Одиал судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот марказига айланти-рилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши ку-рашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига би-ноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокура-тураси тузилмасида Қонунчилик ва ҳуқуқ-тар-тиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси ташкил этилди. Шу муно-сабат билан Бош прокуратурага мазкур бошқар-мага юридик итисосликка эга бўлмаган кадр-ларни, чунончи иқтисодчилар, молиячилар, со-циологлар ва бошқаларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Шунга мос тарзда ушбу масалалар депутатлар томонидан қўриб чиқилган “Про-куратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-каси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Парламент вакиллари ўз конституциявий ва-колатлари доирасида Хива ва Шахрисабз ша-ҳарларини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар рўйхатига киритиш тўғрисида тегишли қарор-ларни қабул қилдилар. Давлатимиз раҳбари Хоразм ва Қашқадарё вилоятларига сафарла-ри чоғида туризм соҳасини ривожлантириш учун мазкур минтақаларнинг салоҳияти юқори эканлигини ҳисобга олиб, Хива ва Шахрисабз шаҳарларини мустақил маъмурий бирлик этиб қайта ташкил қилиш ҳамда уларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар рўйхатига киритиш топширигини берган эди. Ушбу чора-тадбир-лар Ўзбекистон ҳудудига жойлашган жаҳон аҳамиятига молик бу қадимий шаҳарларнинг туристик салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Мажлис давомида депутатлар Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимидаги энг муҳим ислохотлардан бири бу – қонун ус-туворлиги ва қонунийлигини мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат. Масалан, қонун-чилигимиздаги суд буйруғи институти олайлик. Таъкидлаш жоизки, суд буйруқ-лари судда иш юқламааларининг қамқайиш-га, фуқаролик ишларининг тез ва қисқа мuddатларда ҳал этилишига имкон яратмоқда. Шуниси эътиборлики, фуқаролик ишлари-нинг айрим турларини суд буйруғи тарти-бида қўриш, манфаатдор шахсларнинг про-цессуал ҳуқуқларини поймол қилмаган ҳолда, иш қўзғатмасдан аризини ҳал этиш имконини бери. Бу тартиб ишни қўришни осонлаштириш билан бирга шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатлайди.

Суд буйруғи Ўзбекистон Республикаси ФПҚнинг “Суд қарорлари” деб номланган 18-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, қўрилаётган ва ҳал этилаётган масалалар бўйича суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилинади.

Суд буйруқлари ўзига хос бўлган қуй-йдаги белгилари билан суд қарорларидан фаркланади:

Биринчидан, суд буйруғи ишни мазмун-нан кўрмасдан, мавжуд ёзма ҳужжатлар асо-сида чиқарилади. Судья ушбу ҳолатда гувоҳ

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

кўрсатмаларини, эксперт хулосаларини тек-ширмайди, тарафларнинг тушуниришлари ва учинчи шахсларнинг баёнотларини эшит-майди.

Иккинчидан, буйруқ тартибида иш юри-тиш жараёнида тарафлар сифатида унди-рувчи ва қарздор эътироф этилади.

Учинчидан, суд буйруғи фақат қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳол-дагина чиқарилади. Суд буйруғи қонунда белгиланмаган асослар юзасидан чиқа-рилиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, суд буйруғини чиқариш учун бир неча шарт мавжуд бўлиши талаб этилади. Биринчи шарт шундан иборатки, ундирувчи суд буйруғини чиқариш тўғ-рисидаги ариза билан бирга қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини тас-диқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ло-зим. Иккинчи шарт – тақдим этилган ҳуж-

жатлар ишнинг моҳиятини ўзида тўла-тўқис акс эттириши керак. Учинчи шарт низоининг мавжуд бўлмаслигидир.

Бешинчидан, суд буйруғи ижро ҳужжати қўчига эга бўлиб, қонунда белгиланган тар-тибда ижро этилади.

Фуқаролик процессуал кодексидан суд буйруғини чиқаришга асос бўладиган талаб-лар кўрсатилган. Унга кўра, суд буйруғи қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

– талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;

– агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, коммунал хизматлар тўлови бўйи-ча қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;

– вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги, оталиқни белгилаш би-лан ёки учинчи шахсларни жалб этиш за-

Маҳалла – бизнинг қадимий миллий қадриятимиз. Шарқ азал-азалдан жамоавий бўлиб яшаш анъаналарини қадрлаб келган. Жамоавийликнинг энг ёрқин кўриниши эса маҳалладир. Юртимизда маҳалланинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, биз маҳалласиз яшай олмаймиз.



Мустақил миллий давлат қуришга киришганимизда ҳам кўп масалаларда, жумладан, маҳаллага муносабатда ҳам ана шу қадимий миллий менталитетимизга сўянчи иш кўрдик. Истиқлол йилларида маҳалла жаҳонда ўшаши йўқ ўзига хос жамоатчилик бошқаруви механизмига айлантирилди. Маҳалланинг шундай ёзилмаган тартиб-қоидалари борки, ҳамма уларга сўзсиз амал қилади. Бу – шарқона қадрият. Унинг замирида халқнинг доғишмандлиги, аникроғи, баҳамжиҳат яшаш тарзи ётибди.

Мустақиллик шарофати билан маҳалла тизими қонунийлашди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мана бу сўзлар қайд этилган:

“Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”.

Бироқ энди ана шу маконимиз ҳар тарафлама талабга жавоб бериши, бу ерда инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ҳамма қулайликлар мўҳайи этилиши керак. Жумладан, **замонавий, намунали маҳаллада кутубхона, спорт билан шугулланиш учун қулай иншоот, қариялар чойхонаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар майдончалари, қўқаламзорлаштирилган ҳудудлар, стадион ва ҳокзалар бўлиши лозим.**

Тўғри, шўро даврида ҳам маҳалла тизими мавжуд эди. Аммо у моҳиятдан ҳозирги тушунчанимиздаги маҳалладан тубдан фарқ қилар эди. Маҳалла кўмиталари маъмурий-буйруқбозлик тизимининг таркибий қисми ҳисобланган, амалда расмийлик учун фаолият кўрсатадиган, кўпроқ фуқароларга маълумотномалар ёзиб бериш билан шугулланган идора бўлиб қолган эди.

1993 йил 17 августда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ўша йилнинг сентябрийда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонуни, маҳаллалар ва улардаги жамоатчилик тизимлари фаолиятига оид 20 га яқин низоом қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар маҳалласини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил топди.

Кўриниб турибдики, биз миллий ва умуминсоний хусусиятларни жамулжам этган ўзига хос давлат қураётимиз. Бунда, табиийки, ҳам аср-асрлик тарихий меросга сўянган ҳолда иш қўриляпти, ҳам замон талаблари асосида маҳалла институти тобора тақомиллашиб бораётди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 3 февралда қабул қилинган “Маҳалла институти янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони аввало, мамлакатимиздаги маҳалла тизими маконини янги бир даражага кўтаргани билан аҳамиятлidir.

Ким бўлиб ишлашимиз, жамиятда қандай мавқе-қадимга эга эканлигимиз, нимага қадим бўлишимиздан қатъи назар, ҳаммамиз ҳар кун ишдан сўнг ўз ўйимиз – ўлан тўшагимизга, яъни маҳалламизга қайтамиз. Шахс сифатида ҳар биримизнинг маҳалладан азияроқ жамоамиз йўқ. Шунинг учун ҳам маҳалладошлар ҳақида гап кетганда, кексаларимиз “ҳасакашлар” деган ажойиб, теран маъноли, ўзимизга хос ва мос ифодани ишлатишамиз.

Ахир, қайси биримизнинг қандай тўй-танана ёки маърака-маросимимиз маҳалласиз ўтади?

“Ўзоқда қариндошдан яқиндаги қўшни яхши”, – деган мақолнинг моҳияти ҳам ҳеш-ақраболларга қарши қаратилган эмас. Аксинча, бу хикматда одамнинг хурсандчилик кунда ҳам, ташвишли пайтларида ҳам ён қўшни бўлган маҳалладошларнинг жонга тезроқ оро кириши улуғланипти.

Бинобарин, 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган экан, халқ билан мулоқотни юксак даражада йўлга қўйиш учун ҳам маҳалладан муҳимроқ тизим йўқ. Шунингдек, инсон манфаатларини аниқлаш ва уни ҳимоя қилиш учун маҳалла энг қулай имкониятга эга ижтимоий институт экани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам “Маҳалла институти янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” маъмурий моҳиятига мос қонунчилик ҳужжати сифатида тавсиялаш лозим.

Маҳалла аҳолини ижтимоий фаоллаштириш, одамларнинг бошини ўзгари қовуштириш, миллий урф-одат ва қадриятларга амал қилиш ва уларни тақомиллаштириш, қучли ижтимоий ҳимояни адолатли ва манзилли амалга ошириш, маънавий-ахлоқий тарбияни изга солиш учун энг асосий макон ҳисобланади.

Янги Фармон асосида 2018 йилнинг 1 декабрга қадар туман ва шаҳарлар марказларида намунавий лойиҳалар асосида “Маҳалла маркази” мажмуалари бинолари барпо этилади. Фармонда шунингдек, 2021 йилнинг 1 декабрга қадар фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш ҳам кўзда тутилган.

Фармон фуқароларни маҳалла фаолиятини ривожлантириш учун яқин ҳамкорлик қилишга ундайди. Ушбу ҳужжат асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тизимлари вакилларига тақдим этиладиган “Маҳалла ғиҳори” кўкрак нишони таъсис этиладиган бўлди.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, Тошкент – мамлакатимизнинг энг йирик шаҳри. Пойтахтимизда маҳалла ҳам – кўп. Бундан ташқари, шаҳримиздаги маҳалла тизимини ривожлантириш анъаналари амалда бутун мамлакатимиз учун намуна вазифасини ўташи керак. Маҳалла борасидаги ҳар қандай янгилик аввал пойтахтимизда юз кўрсади. Шунинг учун ушбу Фармон шахримиз маҳаллалари фаолиятини янада тақомиллаштириш борасида алоҳида аҳамият касб этади.

Нафсиламбирини айтганда, жиноят йўлига кирган ҳам, ёт ғоялар тасвирига тушиб, адашган кимсалар ҳам, бебош бўлиб юрган ёшлар ҳам ҳамма-ҳамма маҳаллада яшайди. Ҳар бир кишининг ҳар қандай қинғир қадимини аввал маҳалла сезади. Оилавий жанжаллардан ҳам ҳаммадан олдин маҳалла аҳли – қўни-қўшни хабар топади. Шундай экан, маҳалла жамиятимизда рўй бериши мумкин бўлган кўпдан-кўп салбий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қодир бир куч эканини эсдан чиқармайлик.

Оила – жамият таянчи, давлат пойдевори. Оилаларимиз ҳаётида юз бераётган ҳар бир салбий воқеага маҳалла, жамоатчилик ўз муносабатини билдириши керак. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари аралашуви билан ҳаётни изга тушиб кетган оилалар ҳам оз эмас. Ҳаттоки, аҳил, оғоҳлиги юқори, одамлариди даҳлдорлик ҳисси қучли бўлган маҳаллаларда ўғрилиб ва бошқа жиноятлар ҳам кам содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мақтаб ҳам, коллеж ёки лицей ҳам айнан маҳалла ҳудудида жойлашган. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши масалалари, кўча-кўйда ўзини туттиши, дарсдан кейин нима ишлар билан шугулланаётгани ҳам бугун маҳаллани кизиктириши керак.

Хуллас, биз учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра ҳам кўпроқ, кенгроқ маънони билдиради. Халқимиз кўлида барқарорликни таъминлашнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари бор.

Яқин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг бир неча туманларида бўлиб ўтиришлари билан танишиб, жумладан, туман маҳаллаларида ҳам бўлди. Шу жараёнда намунали маҳалла лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари барча ҳатти-ҳаракатларимиз халқнинг фаро-

вон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Намунали маҳаллалар барпо этиш бугун шаҳримиз ҳаётининг узвий қисмига айланди. Бу “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига ҳар тарафлама мос келади.

Шуни инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида “Замонавий маҳалла” марказлари намунавий лойиҳасини жорий қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги барчамизга маълум.

Ушбу қарор, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институти янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, давлатимиз раҳбарининг шу йилнинг 30 мартда, жумладан, кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш масалалари қўриб чиқилган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 сентябрда ўтказилган йиғилиши 73-сон баённомаси қарори ижросини таъминлаш, шу тарика ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Юнусовд туманидаги “Замонавий маҳалла” намунавий лойиҳаси асосида миллий



амалга оширишнинг тартиб-қоидаларига қаратилган.

Маҳалла маркази ва савдо, маиший шохобчаларни ташкил этиш МФЙ раиси ва туман ҳокимлари томонидан тавсия этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши, қайд этилган қурилмаларнинг қурилиш ишлари якунланганидан ҳамда фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг фаолият турини ўзгартирмаслик шарти билан ўрнатилган тартибда тадбиркорлик субъектига мулк ҳуқуқи эътироф этилиши белгилан бўйлиди.

Тошкент шаҳридаги барча маҳалла идораларини жойига чиқиб, ўрганиб, янги қурилиш ёки қайта таъмирлаш бўйича аниқ-чора тадбирларни белгилан, маҳалла маркази ҳамда савдо ва маиший шохобчаларни қуриш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантириш, иштиёрий шартномалар тузиш ва улар асосида босқичма-босқич қурилиш ишларини олиб бориш юзасидан тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш топшириқлари берилган эди ва бу эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Мутасаддилар маълумотларига қарасак бугунги кунга қадар 505 та маҳалладан 482 та маҳалла идоралари бўйича аниқлик киритилди, 23 та маҳалла идоралари бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Аниқлик киритилган 482 та МФЙ идорасидан 263 тасида янги қурилиш ва 219 тасида ўз ҳудуди ва қўшимча ер майдонида қайта таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилди.

Ҳозирги кунда Бектемир туманидаги “Миршор” маҳалласи ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо, Мирзо Улуғбек туманидаги “Аҳилик”, Олмазор туманидаги “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Замонавий маҳалла” қурилиши бошлаб юборилган.

Ўтгана туманидаги “Ҳожиобод” ва “Богобод” маҳаллаларида эса ушбу жараён бошланиш арафасида.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни айтишни лозим деб ўйлаймиз.

Туманлар, маҳаллаларда кейинги пайтларда амалга оширилаётган кенг қўламадаги ишлардан диллар ғайрайди. Бироқ кўпгина маҳаллаларда ободонлаштириш ишларининг ўлда-жўлдалиги, йўлларнинг таъмирталаблиги баъзи мутасаддилар, ўша ерда яшовчи аҳолининг бафарилиги туфайли юзага келганлиги ҳам сир эмас. Қолаверса, туман ҳокими, прокурори, ички ишлар бошқармаси ва солиқ инспекцияси раҳбарларидан иборат турткилар секторлар ва округларга бўлиган ҳолда иш олиб бораётганига анча вақт ўтган бўлса-да, айрим туманларда бу механизм яхши ишланмай қолгани маълум бўлиб қолди. Бу борадаги эътиборсизликлар туфайли ҳам Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Виртуал қабулхоналарга мурожаатлар кўпайди. Бугун деярли барча туманларда янги тайинланган ҳокимлар ва мутасаддиларнинг иш бошлагани ҳам муаммолар ечимини ҳал этиш борасида кишида умид ўйғотади. Ҳақли савол туғилади: тўғри, мутасаддилар маҳаллаларда юриб, жойлардаги ободонлаштириш ва оралаш ишларига бош-қош бўлишмоқда. Бу яхши албатта, бироқ кўп маҳаллаларда ҳатто ўсиб ётган ўт-ўланларни ўриш ва бошқа шу каби майда ишларни ҳам масъуллар томонидан ташқаридан одам ёллаб ишлатиш орқали бажариш одати пайдо бўлаётганини кузатиш мумкин.

Ўзимизга “хўп, бугун шунча яхши ишлар қилинапти, ҳудудлар обод бўляпти, бироқ эртага уларни асраш, оралаштириш ишлари қанчалик керак-ку”, деган саволни бермаймиз, масъулиятни унутамиз, томошабин бўлиб тураверамиз. Ахир, ҳовли-жой, кўча-кўйни озода тутиш удулмлари ота-боболаримиздан қолган-ку. Масалан, жойларда арчалар, турлитуман мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилипти, тез орада улар қуриб қолпти. Эҳмаган бўлсак ҳам жуда бўлмаганда шу ниҳолларни сугориб турсак бўлади-ку. Ёки ҳозирда гаражларни тартибга келтириш ишлари ҳам амалга ошириляпти. Улардан чиққан эски тақир-туруқларни тозалаш бевосита бизнинг ишимиз бўлсада, барибир ўша одатий “менга нима, ободонлаштириш ходимлари тозаласин”, қабилида иш тутаяпти. Тўғри, замонавий маҳаллалар бирин-кетин бунёд этилиб, ҳудудлар кўрқига-кўрқ қўшади, бироқ уларни сақлаб, янада обод қилиш ўз қўлимизда-ку? Ахир ҳашардек ажойиб миллий одатимиз бор-ку ёки шу йўл билан қўнчилиқни жалб этиб ана шу ишларни амалга оширса бўлади-ку. Ҳар нима бўлса-да боқимандаликка ўрганиб қолмаслигимиз керак. Зеро, “Сув келтирган хор-зору кўза синдирган азият”, деган ҳикматни унутмаслигимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ободлик қўнғилдан бошланишини теран англаган ҳолда амалга оширилаётган барча хайрли ишларни қадрлашимиз ва унга ўз ҳиссамизни қўйишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ниятимиз шуки, маҳаллаларимиз янада обод ва кўркам бўлсин. Ҳар биримиз шундай гўзал, намунали маҳаллада яшаётганимиз билан фахрланайлик. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимиз маҳаллалари амалда бутун мамлакатимиз учун ўрнак намунасига айлانسин.

Олим МАХМУДОВ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ҳозирги мураккаб замонда тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва уни мустаҳкамлаш, халқимизнинг қафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда.

Дунёда энг улуғ ва азиз неъмат — бу тинчлик-хотиржамликдир. Тарихдан бизга маълумки Спитамен, Жалолiddин Манғуберди, Темури Малик ва Амир Темурлар ушбу неъмат учун курашган.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби ички ишлар органларининг хизмат фаолиятига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик ва осойишталикни янада барқарорлаштириш мақсадида кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик базаси мустаҳкамланмоқда. Сўнгги йилларда “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”, “Хўқўқузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 2016 йил 16 сентябрда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бу борадаги ҳуқуқий-методий пойдевори янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қулайитириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ички ишлар органлари тизими учун улкан бир фарх ва шу билан биргаликда катта масъулият юклайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари қаторида Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнгин хавфсизлиги институтига ўзгартирилиши ёнгин хавфсизлиги ходимларига улкан қувонч бахш этди.

Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабига институт маконининг берилиши ёнгин хавфсизлиги соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Бу ўз наватидида тахсил олаётган курсантлардан яхши билим олишни, олган билимларини амалиётга кенг жорий қилиш, соҳадаги хизмат фаолиятига янгича ёндашишни, таълим берувчи ўқитувчилардан ўз устиди янада кўпроқ ишлашни, илмий изланишлар олиб бориш, билим бериш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиб, ўзларининг фаолиятларида кенг фойдаланишни талаб қилади. Бу ўз-ўзидан ёнгин хавфсизлиги соҳасида етук мутахассис кадрлар етиштириб чиқишни таъминлайди.

Ёнгин хавфсизлиги институти ходимлари ўз олдида қўйилган вазифаларни виждонан ва ўз вақтида бажаришга, илмий ёндашувлар асосида ёнгин хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишга, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишга, ўз ишига содиқ ва масъулият билан ёндашадиган, ёнгин хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартибот ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб билидиган ҳақиқий мутахассис кадрларни тайёрлашга бор куч ва билимларини сафарбар этишади.

Б.ТОЖИБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти Илмий-тектириш маркази илмий ходими

ТУРФА АНЪАНАЛАР НАМОЙИШИ

“Ўзэкспомарказ”да мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Д.Ҳакимов Ўзбекистонда жаҳоннинг турли мамлакатлари билан ўзаро манфаатли, дўстона ҳамкорликни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий соҳалар билан бирга маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Турли халқлар тарихи, урф-одат ва анъаналари, санъати ва маданияти билан яқиндан танишиш дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги элчиҳоналар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуман ва фестивалларда ўз ифодасини топмоқда.

Фестивалда АҚШ, Афғонистон, Бангладеш, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Жанубий Корея, Индонезия, Иордания, Италия, Кувайт, Латвия, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Тожикистон, Туркменистон, Туркия, Украина, Франция, Хитой, Чехия, Швейцария, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиҳоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

– Ушбу фестиваль дунё халқларининг бетакрор урф-одатлари намоишига айланган, – деди ЎзА муҳбирига Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фулқулода ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. – Унинг иштирокчилари ва меҳмонлари сони йил сайин ошиб бораётди. Бу ерда асл Сибирь чўчварлари, беларусь дракчлари, қозоқ бешбармоқлари, француз пишириқлари ва, албатта, ҳамма учун севишли ўзбек паловини татиб қуриш мумкин. Бундай тадбирлар мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фестивалда турли халқларнинг ранг-баранг қадрият ва анъаналари, миллий либослари, хунарамандлик ва амалий санъат намуналари намоиши этилди. Турли тиллардаги қўшқлар, жозибдор куй ва рақслар барчага завқ бағишлади.

НОДИРА МАНЗУРОВА



Спорт янгиликлари

ХАЛҚАРО ШАХМАТ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилган ўн биринчи халқаро мусобақа ўз якунига етди.

Кучли шахматчилар ўртасида бўлиб ўтган ушбу мусобақада чемпионлик украинлик гроссмейстер Александр Бартнякка насиб этди. У 9 имкониятдан 7,5 очко жамлади ва рейтингдаги ўрнини яхшилаб олиш учун қўлай имкониятга эга бўлди. Аҳамиятли жихати шундаки, турнир давомида ҳеч бир рақибига мағлуб бўлмаган Александр 4-турда ўзбекистонлик ёш шахматчи Нодирбек Абдусатторовга енгилган эди. Шунга қарамадан, украин шахматчиси қолган барча рақибларини қийин вазиятда қолдириб, турнир ғолибига айланди.

Иккинчи ўрин эса 7,5 очко жамғара олган белоруслик Кирилл Ступакка насиб этди. Кучли училкни 6,5 очкога эга бўлган арман гроссмейстери Тигран Котанжян якунлаб берган бўлса, қозғистонлик Павел Котсур мусобақа жадалининг тўртинчи ўрнидан жой олди.

Ҳамюртимиз Бобур Сатторовга бешинчи ўрин насиб этди. Ёш шахматчининг фақатгина иккинчи ўрин соҳиби, Кирилл Ступакка мағлуб бўлган, аммо у гроссмейстерлардан Василий Папин ва Мераб Гагунашвилиларни, шунингдек, халқаро мастер Мухаммад Хусенқўжаевни енгилга муваффақ бўлди. Қозғистонлик яна бир гроссмейстер Муртас Казгалеев ҳамда ҳиндистонлик халқаро мастер Лутфий Али Мухаммад ўртасида бўлган партияларда эса кучлар тенг келди ва томонлар очколарни бўлишиб олишди.

ЯНГИ РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жаъвали эълон қилинди.

Унга кўра миллий терма жамоамиз 60-ўринга лойиқ қўрилди. Аввалги рейтингда ҳам миллий терма жамоамиз 60-ўринни эгаллаган эди.

Рейтингда ўз мавқеини сақлаб қолган миллий терма жамоамиз қўйида ҳамон Эрон, Жанубий Корея, Япония, Австралия ва Саудия Арабистони терма жамоаларидан кейин олтинчи ўринда бормоқда.

Рейтинг жаъвалининг энг юқори погонасини 1-ўрин билан Бразилия терма жамоаси эгаллаб турган бўлса, фахрли 2, 3-ўринлар Аргентина ва Германия терма жамоаларига тегишли.

ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИГИНИ

Футбол бўйича 18 ёшли чарм тўп усталари ўртасида келгуси йили уюштирилаётган Осиё чемпионати саралаш турнири баҳслари жорий йилнинг 31 октябры — 8 ноябры кунлари бўлиб ўтади.

ЖАСУР ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШДИ

Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ўқувчи-ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ўзга маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишга замин яратувчи маъруз мусобақа ёшларда катта қизиқиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Туманларда ғолибликни қўлга киритган 11 та жамоа иштирокчилар ҳарбий-спорт ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик йўналишлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этишди.

Бундай тадбирлар навқирон авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларда юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга масъулият туйғусини юксалтириш, уларни Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматга руҳан ва жисмонан тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Ёшларни ватанпарварлик, аждодларимизнинг бой анъаналарига содиқлик руҳида тарбиялаш, тарихимиздан бохабар этиш, ёшларга мардлик, қатъиятлик, куч-ғайрат, интизом, жамоадчиликка таянишни ўргатиш мақсадида ташкил этилган мусобақада иштирок этувчи ёшларнинг сафи кенгаётгани қувонарлидир.

Қизгин баҳсларга бой тарзда кечган мусобақа натижаларига кўра, 1-ўринни Тошкент солиқ коллежи жамоаси, 2-ўринни Яшнобод политехника касб-хунар коллежи жамоаси, 3-ўринни Сергели политехника касб-хунар коллежи жамоаси эгаллади.

Мусобақада ғолиб бўлган жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Ғолиб жамоа республика босқичига йўлланма олиб, пойтахт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зиёда РАСУЛОВА

Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро мусобақада қитъамиздан ташқари Европа ва Шимолий Американинг 10 та мамлакатидан 160 нафарга яқин дзюдочилар қатнашди.

ЁШ ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг дастлабки кунинда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари олтин олтин, тўртта кумуш ва олтин бронза медалга сазовор бўлди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашуларда 60 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Камрон Нуриллаев финал учрашувида қирғизистонлик Асман Оқилбек ўғлини “Иппон” баҳси билан мағлуб этди.

Машҳур мураббий — Андрей Штурбабиннинг ўғли Артём 66 килограмм вазн тоифасида финалда россиялик Жавдан Абулхоновдан устун келди.

ҲАМЮРТИМИЗ ФИНАЛДА

Тожикистонда қизлар ўртасида ўтказилаётган халқаро теннис турнирининг жуфтлик беллашуларида муваффақиятли иштирок этаётган ўзбекистонлик теннисчилар — Элина Шарипова ҳамда Олеся Ким бош соврин учун курашди.

Ҳамюртларимиз финалгача бўлган беллашуларда россиялик теннисчилар — Марина Дрожжина ва Полина Медведева, Алёна Кубанова ва Александр Ворожейкина, америкалик Хоуда Ҳабиб ва ўзбекистонлик

Вазни 73 килограмм бўлган полвонларнинг финал баҳсида икки ўзбек дзюдочиси — Сардор Каримов ва Мироншоҳ Султонов ўзаро рақобатлашди. Бу баҳсда Сардор кичик ҳисобда устун келиб, терма жамоамизга учинчи олтин медални тақдим этди.

Ўз вазн тоифасида муваффақиятли қатнашган Мироншоҳ Султонов ва Феруз Уклов кумуш, Элбек Улашев, Мусо Собиров, Манушер Ширинов, Тоҳир Қурбонбоев, Бехруз Омондавлатов, Қобулжон Аҳмедов бронза медалга лойиқ топилди.

Ҳанифа Ҳасановани мағлубиятга учратди.

Элина ва Олеся бош соврин учун россиялик Анфиса Королькова ҳамда Ксения Тарасова билан рақобатлашди.

Ботир ХЎЖАЕВ

жамоамизнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Рақиблар дарвозасини Мафтуна Шоимова ва Умида Зоирова аниқ нишонга олишди.

Эслатиб ўтамиз, октябрда Хитойда ташкиллаштирилган қитъа чемпионатида 1-3-ўринларга эгалик қилган қизлар терма жамоалари келгуси йили ўтказилаётган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

ТОШКЕНТ – ХАЛҚАРО ТУРНИР МЕЗБОНИ

Пойтахтимиз 1-5 июнь кунлари футбол бўйича 2002 йилда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида уюштирилаётган халқаро турнирга мезбонлик қилади.

Унда Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ғолиблик учун Япония, Беларусь ва Польша ўсмирлар терма жамоаларига қарши кураш олиб боради. Халқаро турнирнинг дастлабки учрашувини ўсмирларимиз 1 июнь кунини япониялик тенгқурларига қарши ўтказса, 3 июнда польшалықлар билан, 5 июнда беларуслықлар билан баҳс олиб боради.

Маъжур халқаро турнир Дилшод Нуралиев шогирдлари учун келгуси йили ўтказилаётган Осиё чемпионатида тайёргарлик вазифасини ўтайди. Осиё чемпионатида саралаш беллашулари жорий йилнинг 16-24 сентябры кунларига белгиланган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан “Ёш сиёсатчи – 2017” кўрик-танловининг туман босқичи ташкил этилди.

ЁШЛАР БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Танловда тумандаги касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида таълим олувчи ёшлар ўзаро беллашди.

Тадбирни Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шахзода Қурбонова очиб берди ва иштирокчиларга омад тилади. Танлов ЎзХДПнинг ёшларни бирлаштириш, жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада самарали ташкил этишдаги уларнинг иштирокини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва демократик ислохотларни амалга оширишга ҳисса қўишга қодир бўлган ижтимоий фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Бу каби танловлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ёшларнинг янада фаол иштирок этишига замин яратди.

Тадбирда иштирокчилар Низомда белгиланган шартлар асосида беллашди.

— Бугунги кунда демократлаштириш жараёниларига ёшларни жалб қилиш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлардан уларни етарлича хабардор этиш, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш орқали маъжур жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш муҳим

аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шахзода Қурбонова. — Ёшларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий билимларини юксалтириш, мамлакатимизда юз бераётган барча ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини қучайтиришда партия томонидан “Қонун ижодкорлиги — ёшлар нигоҳида”, “Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким”, “Мен Ватаннинг равнақиға ҳисса қўишни хоҳлайман!” деб номланган лойиҳалари ишлаб чиқилди ва шу асосида “Ёш сиёсатчи – 2017” кўрик-танловнинг туман босқичи ўтказилди. Кўрик-танловнинг туман босқичида 115 нафар ёшлар иштирок этди. Шундан 5 нафар талаба-ёшлар туман босқичида биринчилик учун курашиб, фаоллигию иқтидорини намойиш қилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаси билан баллар умумлаштирилди ва ғолиблар эълон қилинди. Иштирокчилар орасидан 1-5-ўрин ғолиблари аниқланди. Энг олий ўрин Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Элдор Воҳидовга насиб этди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

“101”

ЁНГИНГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Олов — тилсиз ёв. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдликка, беписандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг кўзига ўзгача кўринган оловнинг ўта хавфлиги, ногаҳон содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатларини тушунтириб, шу фалокатдан узоқроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур.

Р.ҒУЛОМОВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори,
сержант

* * *

Ҳозирги кунда турмушимизда “зангори олов” — газ энг қўлай ёнишли сифатида кенг қўлланилади. Газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилиш эса ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Ўзгина эътиборсизлик оқибатида ёнғин келиб чиқиши ва оилага, давлатга моддий зарар етказиши мумкин.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш зарур. Хусусан, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқилаётган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим.

Н.МАҲКАМОВ,
ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, сержант

* * *

Аҳоли орасида яшаш жой, кўча майдон, масканлар атрофини қуриган ўтлардан тозалаб, йиғилиб қолганларини маҳсус ажратилган жойларга олиб чиқиш лозимлигига эътибор қилмайдиганлар топилади.

Ўз навбатида йиғилган чиқиндиларнинг осонгина ёқиб юборилишига йўл қўйишди. Аризмас бўлиб кўринган гулхан, ўчилмаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг кўчада гугурт ўйнашлари оқибатларидан катта талофатларга сабаб бўлувчи ёнғин келиб чиқади. Натижада инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар кўриши мумкин.

Ёнғинлар натижасида нафақат моддий, балки атроф-муҳит об-ҳавосига зарарли таъсирлар ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам қонун-қоидаларга амал қилиш лозим.

Ф.НАРТАДЖИЕВ,
ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

Реклама ва эълонлар

“PRIME ALUMINIUM” (СТІР 303671532)

хусусий корхонаси мулкдорининг 2017 йил 16 май куниндаги қарорига мувофиқ, “масъулияти чекланган жамияти” шаклида қайта ташкил этилмоқда. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 24-уй.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ”
ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент молия институти жамоаси “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси Сурайё Шермухамедованинг онаси

МАЪМУРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент шаҳрида 18 май кунини ҳаво ўзгариб туради, вақт-вақти билан ёмғир, жала ёғиши мумкин. Ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда, қулайган ҳолда секундида 12-17 метр тез-

ликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 18 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот босқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9488 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.35

1 2 3 4 5